

## ЛУҚМОН БЎРИХОННИНГ “СИРЛИ МУАЛЛИМ” ҚИССАСИДА УСЛУБ ВА КОМПОЗИЦИЯ УЙЎНЛИГИ МАСАЛАСИ

Мохира Садуллаева

(Мустақил тадқиқотчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7152363>

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги адабий жараёнда ўзига хос ўринга эга ёзувчи Луқмон Бўрихон ижоди, унинг қиссачиликдаги маҳорати ва ўзига хослиги масалалари муаллиф қаламига мансуб “Сирли муаллим” қиссаси мисолида конкретлашади. Адиб қиссаларининг услубий-композицион қурилиши, образ яратиш, воқеаларни тасвирлаш, бадиий асар тилининг ўзига хослиги каби қатор масалалар хусусида сўз юритилган ва тегишли хулосалар берилган.

Калит сўзлар: ижодкор маҳорати, бадиий маҳорат, услуб ва ўзига хослик, мазмун, шакл, қисса, қиссачилик, ўткир сюжет, руҳият тасвири, портрет, пейзаж, тур ва жанр, наср, воқелик.

Аннотация: В данной статье будет конкретизировано творчество Лукмана Борихана, занимающее особое место в современном литературном процессе, его повествовательное мастерство и оригинальность на примере рассказа автора «Таинственный учитель». Обсужден ряд вопросов, таких как стилистико-композиционное построение литературных рассказов, создание образа, описание событий, своеобразие языка художественного произведения и даны соответствующие выводы.

Ключевые слова: творческое мастерство, художественное мастерство, стиль и оригинальность, содержание, форма, рассказ, новелла, острая тема, мысленный образ, портрет, пейзаж, вид и жанр, проза, реальность.

Annotation: In this article, Luqman Borikhan's work, which occupies a special place in today's literary process, his story-telling skills and originality will be concreted on the example of the author's short story "Mysterious Teacher". A number of issues, such as the stylistic-compositional construction of literary stories, creating an image, describing events, the uniqueness of the language of the artistic work, were discussed and relevant conclusions were given.

Key words: creative skill, artistic skill, style and originality, content, form, story, short story, acute subject, mental image, portrait, landscape, type and genre, prose, reality.

Ўз ижодини ҳикоялар ёзишдан бошлаган Луқмон Бўрихон кейинчалик қисса ва романлар ҳам эълон қила бошлади. Бугунги кунда адиб насрнинг

барча жанрларида самарали ижод қилмоқда. Айниқса, ёзувчининг қиссалари инсон шахсига янгича ёндашув, азалий мавзуларни янги жиҳатлардан ёритишга интилиш, қаҳрамонлар ички дунёсининг сирли ва мубҳам қирраларини руҳият таҳлили ёрдамида очиб бериш, услуб ва композиция жиҳатидан ҳам ўзига хосдир. Луқмон Бўрихоннинг “Сирли муаллим”, “Хизр кўрган йигит”, “Бир томчи ёш”, “Қуёш ҳали ботмаган”, “Олис кўрғон фуқароси” каби қиссалари замонавий ўзбек насри тараққиётида ўзига хос ўринга эга.

Адиб қиссалари услубий-композицион жиҳатдан ўзига хос бўлиб, образ яратиш, воқеаларни тасвирлаш, бадиий асар тили нуқтаи назаридан бетакрор ва хилма-хилдир. Ёзувчи ижодини кузатиш, хусусан, ҳикоя ва қиссаларини таҳлил этиш ва ўрганиш шундан далолат берадики, муаллиф ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни бадиий ҳақиқатга айлантиришда, характер яратишда асосан, руҳий кечинмалар тасвирига катта эътибор қаратади. Луқмон Бўрихон ҳикоялари бадииятини ўрганган тадқиқотчи Й.Маҳмудов адиб услубидаги ўзига хослик хусусида тўхталиб: “Адиб шаклий изланишлар давомида ўз услубининг пойдевори қилиб ўзбек фольклори, Қодирий, Тоғай Мурод сингари ёзувчилар ижодхонасига суянади, дейишимиз мумкин. “Кутилган кун”, “Темир сандиқ” сингари ҳикояларда, “Қуёш ҳали ботмаган” қиссасида такрорларнинг келиши, воқеликнинг ривожланишига мос ритмнинг яратилиши халқ дostonлари, Тоғай Мурод қиссаларини ёдга солади. Муаллиф услубининг шаклий ўхшашлигини ҳеч қачон тақлид деб бўлмайди. Луқмон Бўрихоннинг бу услубни ижодий ўстирганлиги, хос хусусиятларни бера олганлиги адиб услубининг ягоналигини таъминлаган”[1:45], – деган хулосага келади. Шу билан бирга, ёзувчи ўз қиссаларида Шарқ ва Ғарб ижодий анъаналарини ўзаро синтез қила олгани ҳам унинг маҳорат ва иқтидоридан далолатдир.

Ёзувчининг “Сирли муаллим” (2006) қиссаси ўзига хос композицион қурилишга эга. Маълумки, “Ёзувчи муайян турмуш манзарасини акс эттирар экан, уни ўқувчи кўз ўнгида бутун тўлалиги ва яхлитлиги билан намоён қилиш учун асарини маълум шаклга солади. Адабий асарнинг барча қисмларини ўзаро бирлаштириб турувчи, муайян ҳаётни яхлитликда ва муаллиф нуқтаи назарига мос ҳолда образли акс эттиришга ёрдам берувчи қурилиши композиция, деб аталади”[2:86]. Кўринадики, композиция бадиий асардаги ёзувчи ифодаламақчи бўлган нарса, воқеа-ҳодисаларнинг маълум мақсадга йўналтирилиши, фикр ва ғоянинг бир нуқта (марказ)да бирлашишидир. Шу жиҳатдан, “Сирли муаллим” қиссаси композицияси характерли бўлиб, олти нафар қаҳрамоннинг тушунтириш

хатлари орқали воқеалар баён қилинади. Асарнинг бошланма – тушунтириш қисми эса ровий – қаҳрамон – журналист йигит тилидан ҳикоя қилиниб, қисса воқеалари марказида дипломсиз муаллим Нажот Ғайбулла тақдири ётади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, овлоқ бир қишлоқдаги мактабнинг устоз-муаллимлари тақдири, ҳаётини тасвирлаш орқали бутун бир жамият, инсониятга дунёни илму маърифат қутқаришини, илмсизлик ва нафс балоси нималарга олиб келишини ёрқин ҳаётий мисоллар орқали кўрсатади. “Бугунги давр замонавий ўзбек адабиётида Л. Бўрихоннинг “Сирли муаллим” асаричалик ўқитувчиликнинг оғиру енгил томонларини, заҳматю қийинчиликларини, ишдаги қоғозбозликларни, қолаверса, ўқитувчидаги камчиликларни тўлиқ, борича каламга олган бирорта ижодкор, бирор асар йўқ, назаримизда. Бу асарда у ўзига хос усулдан фойдаланиб, тушунтириш хатлари воситасида олти нафар ҳикоячи-муаллиф тилидан сюжет чизигини яратади. Қорақўз ўқувчиларсиз ҳаётини тасаввур қила олмайдиган дипломсиз ўқитувчи Нажот Ғайбулла ҳақида олтига гувоҳ (бештаси ўқитувчи, биттаси агроном) олтига тушунтириш хати ёзади ва муаллиф овозлар ансамблини, симфониясини яратади”[3:46]. “Сирли муаллим” қиссасига айна мана шу тузилиш (композиция) жуда мос келган, тушунтириш хатлари орқали ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос характери, образ қиёфаси, феъл-атвори очилиб, китобхон кўз ўнгида жонли тасвирлар, тез-тез атрофимизда учраб турадиган жиддий муаммолар намоён бўла боради.

Бухорий бундан ўн икки аср олдин “дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай” деган эди. Ҳамма замонларда ҳам ўз даврининг нажоткорлари, яъни муаллимлари бўлади. “Сирли муаллим” қиссаси қаҳрамони Нажот Ғайбулла ҳам чин маънодаги миллат, юрт, Ватан “нажоткори” эди. Инсон ва жамият ўртасидаги муносабат, қаҳрамон руҳияти билан жамият ўртасидаги зиддият ва дунёқарашлари бир-бирига зид образлар асарда ўз инъикосини кўрсатган. Олтига тушунтириш хати орқали ёзувчи, аввало, қаҳрамон ботини, унинг ўй-хаёллари, руҳиятида содир бўлган иккиланишларни, ўзини ўзи тафтиш ва муҳокама этиш, фикрлаётган инсоннинг кечинмалари тасвирини бериш билан гўзал воқелик яратади. Зеро, Гегел таъкидлаганидек, “ҳаётни бадиий идрок этишда воқеликнинг маъзи насрий асарлар асосини ташкил этади. Бунда одамлар руҳияти билан жамият психологиясини англаш, кўрсатиш ва ифодалаш адиб бадииятини белгилаб беради”[4:158].

Ёзувчи “Нажот Ғайбулла деганлари ҳақидаги миш-миш бизнинг таҳририятга ҳам етиб келди” тарзида бошланувчи қиссада ўзининг “бошқачалиги” билан “эски”ларидан ажралиб турадиган муаллим Нажот Ғайбулла гўё замонга, жамиятга ёрдам қўлини чўзган, ботқоқдан судраб чиқиш учун бир нажотдек пайдо бўлганлигини тасвирлайди. Асар бир журналистнинг ўйлари ва “Шунқор Ҳобилнинг қутқусига учиб ҳарбийликда ҳалок бўлган қаҳрамон аскар - Умрзоқ Ўроқ ҳақида очерк битиш илинжида ўша овлоқ посёлкага бориб келган”ини эслашдан бошланади. Журналист ўшанда Умрузоқ Ўроқ ўқиган мактабга бориб, у ҳақида маълумот тўплаб келиши, кейин эса очерк ёзиши керак эди. Унга бириктирилган масъул ходим билан биргаликда мактабга боради. Асарда мактаб биноси шундай тасвирланади: “ҳайҳотдек майдонда қўр тўкиб турган ўқув биноси анчайин таъмирталаб бўлса-да, файзли ва шинамгина кўринади. Иморат пештоқида иссиғу совуқдан ранги униққан байроқ мағрур ҳилпираб турибди. Ҳовлидаги дарахт шох-бутоқларида чумчуқлар чуғурлашади”[5:45]. Уларни қулоч очиб ўша мактабнинг “қалқони” бўлмиш директори муаллим Қалқонов кутиб олади. Ёзувчи мактабнинг таъмирталаб бўлишига қарамасдан қандайдир бир файзли маскан эканлигига урғу беради. Зеро, Беҳбудий айтганидек: “Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндирки, мактаб - тараққиётнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур”. Шунинг учун ҳам бундай даргоҳлар муқаддас, файзли бўлади.

Умуман, қиссада иштирок этаётган қаҳрамонларнинг қарашлари, фикрлари тамомила бир-бирига зид, улар орасида турғунлик йўқ, яъни ёзувчи қайсидир образни салбий ёки ижобий қилиб кўрсатишни мақсад қилмаган, балки, уларнинг камчилик ва нуқсонларини орттирмай ҳам камитмай ифодалайди. Луқмон Бўрихоннинг ушбу қиссаси айнан ана шу жиҳати билан эътиборли. Адиб асар ифодаланган даврда инсонларнинг, касб эгалари, ўқитувчиларнинг қадр-қимматига бўлган муносабатни табиий, самимий ва ҳаётий бўёқларда бадиий тасвирлайди. Муҳитнинг бузилган шундай бир даврида Нажот Ғайбулладек нажоткорлар асқотиши, ваҳоланки, бундай жонкуяр инсонлар, башариятга ҳамма даврда ҳам муҳтождир деган мазмунни сингдиради.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Маҳмудов Й. Ҳикоя бадиияти (Луқмон Бўрихон ҳикоялари мисолида). – Тошкент.: “Turon zamin ziyo”. 2017. Б. 45.

2. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш.-Тошкент.: “Шарқ”. 2008. Б. 86.
3. Рўзиева Ў. Луқмон Бўрихон асарларида сайёр образлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2021. № 2. 46 -бет.
4. Гегель. Сочинения. М: Художественные литература. 1958. Т. ХИВ. С-158.
5. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. Тошкент. Маънавият. 2000. Б.71-72.
6. Бўрихон Л. Титраётган тоғ. -Тошкент.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2018. Б.271.